

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИНГ ДЕМОКРАТИК ТАБИАТИ

Комилов Баходир Бахтиёр ўғли

Ўзбекистон Миллий университети

Тарих факультети Ўзбекистоннинг энг янги тарихи кафедраси

1 курс магистри

Abstract: Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиши биланок, пировард мақсади – эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий давлат қуриш эканлигини халқаро ҳамжамиятга эълон қилиб, уни давлатимизнинг Асосий Қонуни –Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйди. Бинобарин, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни шакллантириш шароитида шахснинг ҳар томонлама камол топишига, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминланишига шарт-шароит яратилади. Асосий Қонунимизда ҳуқуқий давлатнинг муҳим шартлари бўлган қонун устуворлиги, ҳуқуқ ҳукмронлиги, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари реал таъминланиши, давлат ҳокимиятининг демократик тамойили бўлган ҳокимиятлар бўлинишига асосланиши ва нуфузли мустақил суд ҳокимиятининг мавжудлиги, шахс ва давлат ўртасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга асосланган ўзаро масъуллиқ каби қоидалар ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: Қонун, ҳуқуқ, эркинлик, жамият, фуқаро, парламент, касаба уюшма, нодавлат, Сенат, демократия, оммавий ахборот.

Шу ўринда фуқаролик жамияти тушунчаси мазмунига эътибор қаратиш зарур. Бинобарин, фуқаролик жамияти кенг қамровли ва кўп қиррали тушунча бўлганлиги учун унга илмий манбаларда кўплаб таърифлар берилган бўлса-да, ҳозирги кунда фуқаролик жамияти ҳақида бирон-бир умумэтироф этилган таърифни топиш қийин.

Бугунги кунда замонавий илмий адабиётларда фуқаролик жамиятини тушунишга икки хил ёндашувни кузатиш мумкин:

Биринчи ёндашувда давлат билан жамият, сиёсий ва носийсий муносабатлар бир-бирига қарама-қарши қўйилса, иккинчи ёндашувда эса индивидлар ва уларнинг турли гуруҳларининг эҳтиёж ва манфаатлари қондириладиган ижтимоий муносабатларнинг бутун мажмуи назарда тутилади. Шу тариқа, фуқаролик жамияти шундай жамиятки, у давлатга жиддий таъсир ўтказа олади ва унинг ҳуқуқий давлат бўлишини ва жамиятга, халққа хизмат қилишини таъминлайди, деган фикр илгари сурилади.

манбаларда таъкидланганидек, фуқаролик жамияти қуйидаги жиҳатлар билан тавсифланади:

* бозор муносабатлари шароитидагина бўлиши мумкин бўлган жамият аъзоларининг иқтисодий ва ижтимоий эркинлиги. Мазкур ҳолатда шахс ўз мулкидан бегоналашмаган ҳолда, унинг исталган шаклини танлаши мумкин, бунда тадбиркорлик фаолияти эркинлиги мавжуд бўлиб, давлатнинг иқтисодий муносабатларга аралашуви кам даражада бўлади. Давлат эса фақат мулкнинг барча шакллари, ижтимоий тартибни муҳофаза этишни амалга оширади, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши, ўз қобилятлари, ташаббуслари ва ижодий потенциалларини рўёбга чиқаришлари учун шарт-шароит яратиб беради;

* инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқларининг эътироф этилиши ва реал таъминланиши ва бу ҳуқуқларнинг кафолатли юридик ҳимояланиши имкониятларининг мавжудлиги;

*жамиятнинг ўзини-ўзи бошқариш, ўзини-ўзи ташкил этиши асосларининг кучайганлиги, бунда фуқароларнинг ўзи – ўзларининг ишларини ҳал эта оладилар, жамиятнинг бош мақсади эса инсон ҳисобланади;

*жамиятнинг очиқлиги, бунда, биринчидан, фуқароларнинг барча ахборот манбаларидан (давлат ва тижорат сирларидан ташқари) маълумот олиши, бунда ҳар бир шахс давлат ва жамият ҳаётига доир энг муҳим тадбир ва қарорлар ҳақида маълумот олишга ҳақли эканлиги; иккинчидан, ошкоралик, бунда мамлакатда амалга оширилаётган тадбирлардан, қонунчиликдаги ўзгаришлар ошкора тарзда амалга оширилиши; учинчидан, жамиятда сўз, эътиқод эркинлигининг реал таъминланганлиги;

* қонунийлик режими, ҳуқуқий қонун устунлиги, шахс ва давлат ўртасида ҳуқуқий муносабатлар, яъни ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга асосланган муносабатларнинг ўрнатилганлиги, шунингдек, қонунларнинг ижроси юзасидан самарали назоратнинг мавжудлиги. Оддийроқ қилиб айтадиган бўлсак, фуқаролик жамияти ҳуқуқий жамиятдир;

*барча шахсларнинг қонун ва суд олдида тенглиги, конституциявий тузумнинг барқарорлиги, давлат бошқарувининг демократик усуллар билан амалга оширилиши.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти куриш жараёни Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамият сари” тамойили асосида амалга оширилиб келинмоқда: “Бизнинг олдимизда турган яна бир муҳим ва долзарб масала у ҳам бўлса, “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” деган шиорни амалда рўёбга чиқаришдир.

Шу боисдан ҳам мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини янада жадаллаштириш масалалари кун тартибиде турган муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов томонидан “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да илгари сурилган ғоялар, таклиф ва тавсиялар бевосита фуқаролик жамияти ва унинг институтларини янада ривожлантиришга қаратилган ўта муҳим чора-тадбирлар, тавсияларни ўзида мужассам этганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш зарурки, ушбу Концепция мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг энг янги давр ва истиқболга мўлжалланган стратегияси сифатида майдонга чиқади. Бугунги кунда ривожланиш Концепциясида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг кўп қисми ҳаётга жорий этилди, қатор қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида илгари сурилган таклифлар амалга ошди.

Фуқаролик жамиятининг ривожланишига бевосита дахлдор бўлган Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик”, “Экологик назорат” тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди, “Жамоатчилик назорати тўғрисида” ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, уни қабул қилиш борасида ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатчиликнинг мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Хусусан, Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилган конституциявий нормалар асосида қўлаб қонун ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”, “Сиёсий партиялар тўғрисида”, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”, “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Жамоат фондлари тўғрисида”, “Ҳомийлик тўғрисида”, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”, “Парламент

назорати”, “Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги ва бошқа қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ушбу қонунлар фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилиб, бу жараёни янги сифат босқичига кўтарилишига ёрдам беради. Шу боисдан ҳам, республикада фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилиб келинмоқда. Бу ҳақдаги сон кўрсаткичларига эътибор қаратадиган бўлсак, агарда 1991 йилнинг 1 январь ҳолатига мамлакатимизда бор-йўғи 95 та ННТ фаолият олиб борган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 8,4 мингдан ошиб кетди; охириги тўрт йил давомида бу кўрсаткич 51% га кўпайган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг 2008 йил июлда қабул қилинган қўшма қарори асосида парламент ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат жамғарма, шунингдек, унинг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди. 2008-2012 йиллар давомида Парламент комиссияси қарори билан Жамоат фонди томонидан бюджет маблағлари ҳисобидан 22 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Булар фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим лойиҳаларини грант, субсидия ва давлат буюртмалари бериш асосида қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ўзаро муносабат ва ўзаро ҳамкорлик кенг ривожланмоқда. Давлат фуқаролик жамиятининг ўзаро ҳамкорлик соҳалари кенгаймоқдаким, бу ҳолат қуйидагилар билан тавсифланади: биринчидан, фуқаролик жамияти ва унинг институтлари фаолиятида ҳуқуқий асослар тобора кучаймоқда.

иккинчидан, ҳозирги замонда давлатнинг ижтимоий роли ҳам кучайиб бормоқда, у жамиятнинг ижтимоий ҳимояланмаган қатламлари ҳақида ғамхўрлик қилади, умумий манфаатлар нуқтаи назаридан демографик жараёнга ҳам таъсир этади. Чунки айрим давлатларда аҳолининг жуда тез кўпайиши (Ҳиндистон, Бангладеш, Хитой) ҳавотир уйғотмоқда.

учинчидан, давлатнинг иқтисод соҳасига кириб бориши ҳам фаоллашмоқда, натижада давлат мулки улуши кўпаймоқда. Масалан, Италияда саноатда банд бўлган ишчиларнинг 25% давлат секторида меҳнат қилишади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, давлат билан фуқаролик жамиятининг вазифа ва функциялари бир-бири билан боғлиқ бўлиб бормоқда. Айни пайтда, давлатнинг фуқаролар хусусий ҳаётига таъсир этиши доираси мавжуд. Масалан, ҳозирги замон давлати фуқаролик жамияти ҳаётини жуда иқир-чикиригача тартибга солишдан ўзини сақлайди, чунки ўзини ҳуқуқий ҳисоблайдиган давлат фақат қонунга бўйсунди, давлат қачонки тўла қонунга бўйсундики, агарда фуқаролик жамияти уни самарали назорат қилиб турса.

Шундай қилиб, илмий манбаларда таъкидланганидек, фуқаролар жамияти ўзини ўзи бошқаришга асосланган, фуқаролари юксак сиёсий фаоллик ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлган, ҳуқуқий давлатчилик барпо этилишига иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий замин яратадиган, халқнинг фаровон турмушига эришиш, унинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида давлат билан ижтимоий ҳамкорлик қиладиган ва давлат органлари фаолиятини самарали назорат қиладиган демократик жамиятдир.

Фойдаланган адабиётлар

1. Фуқаролик жамияти ҳақида батафсил қаранг: Исломов З.М. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. –Т.: ТДЮИ, 2002, -87 б.; Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммолар ва ечимлар / Илмий-амалий анжуман материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2004.; Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти, генезиси, шаклланиши ва

- ривожланиши. –Т.:Ўзбекистон, 2010. 256 б.; Одилқориев Х.Т. Конституция ва баркамол авлод орзуси. –Т.: “O‘qituvchi” NMIU. 2012. 448 б.; Марченко М.Н. Проблемы теории государства и права. Москва. Проспект, 2015.- 768.
2. Марченко М.Н. Проблемы теории государства и права. –Москва. Проспект, 2015. – 768 с.; Одилқориев Х.Т. Конституция ва баркамол авлод орзуси. – Т.: “O‘qituvchi” NMIU. 2012. –Б. 229.
 3. Каримов И.А. Янгилашиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.Т.10.-Т.:Ўзбекистон, 2002.-Б.325.
 4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси //Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. –Т.: O‘zbekiston, 2011. 35-108.
 5. Проблемы общей теории права и государства. М.:Инфра. 2010. 567 с.; Исламов З. Общество. Государство. Право. Т.: Адолат. 2001. 249 б.
 6. Одилов А. А. ИСЛОМ ВА БАҒРИКЕНГЛИК: АСРЛАР ПРИЗМАСИ ОРҚАЛИ НИГОҲ //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2021. – Т. 4. – №. 6.
 7. Адылов А. А. ИЗ ИСТОРИИ СОВЕТСКОЙ РЕЛИГИОЗНОЙ ПОЛИТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ в ПОСЛЕВОЕННЫЕ ГОДЫ //Научная мысль. – 2016. – №. 2. – С. 147-150.
 8. Адылов А. А. Религиозная политика советской власти в годы войны в Узбекистане //Вестник развития науки и образования. – 2015. – №. 2. – С. 83-86.
 9. Адылов А. А. Некоторые аспекты общественно-политической жизни в 20-30-е гг. XX в. в Узбекистане //Вестник развития науки и образования. – 2018. – №. 2. – С. 39-42.
 10. Адылов А. А. Советская власть и ислам (1917-1920 гг.) //Вестник развития науки и образования. – 2014. – №. 1. – С. 107-110.
 11. Одилов А. А. ИСЛОМ ВА БАҒРИКЕНГЛИК: АСРЛАР ПРИЗМАСИ ОРҚАЛИ НИГОҲ //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2021. – Т. 4. – №. 6.
 12. Адылов А. А. МУСУЛЬМАНСКОЕ ДУХОВЕНСТВО УЗБЕКИСТАНА В ГОДЫ ВОЙНЫ: ДОСТОЙНАЯ ЛЕПТА В ВЕЛИКУЮ ПОБЕДУ //ПАМЯТЬ О ПРОШЛОМ-2020. – 2020. – С. 323-324.
 13. Одилов А. А. ИЗ ИСТОРИИ МЕЖРЕЛИГИОЗНОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ //ББК 88.5 С68. – 2018. – С. 307.
 14. Адылов А. А. ИЗ ИСТОРИИ СОВЕТСКОЙ РЕЛИГИОЗНОЙ ПОЛИТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ в ПОСЛЕВОЕННЫЕ ГОДЫ //Научная мысль. – 2016. – №. 2. – С. 147-150.
 15. Адылов А. А. ПОЛИТИЧЕСКОЕ ВМЕШАТЕЛЬСТВО СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ В РЕЛИГИЮ В ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЕ 80-х гг. XX в. В УЗБЕКИСТАНЕ //Вестник развития науки и образования. – 2016. – №. 3. – С. 4-7.
 16. Саипова К. Д. ПРОЯВЛЕНИЕ МЕЖНАЦИОНАЛЬНОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ УЗБЕКСКОГО НАРОДА В ГОДЫ ВОЙНЫ: ВЗГЛЯД СКВОЗЬ ДЕСЯТИЛЕТИЯ //Вестник науки и образования. – 2021. – №. 14-1 (117). – С. 54-57.
 17. Davlyatalieva, Saipova Kamola. "Demographic Transformation of the Uzbek Ssr During the War: on the Example of the Korean and Kurdish Nationality." Academic Journal of Digital Economics and Stability (2021): 689-694.
 18. Сайтова К. Д. ВЛИЯНИЕ РЕПРЕССИВНОЙ ПОЛИТИКИ СОВЕТСКОГО ГОСУДАРСТВА 1930-Х ГОДОВ НА ЭТНОДЕМОГРАФИЧЕСКУЮ СИТУАЦИЮ В УЗБЕКСКОЙ ССР //45 ЛЕТ В НАУКЕ И ОБРАЗОВАНИИ. – 2021. – С. 74-82.
 19. Саипова К. Д. ДЕМОГРАФИЧЕСКАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ УЗБЕКСКОЙ ССР В ГОДЫ ВОЙНЫ: НА ПРИМЕРЕ КОРЕЙСКОЙ И КУРДСКОЙ

-
- НАЦИОНАЛЬНОСТИ //«ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ: МУАММО, ТАҲЛИЛ
ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ» Халқаро илмий-амалий анжуман илмий
мақолалар тўплами 20-21 май 2021 й. – С. 412.
20. Саипова К. Д. HISTORICAL REVIEW OF THE STUDY OF THE HISTORY OF
NATIONAL SACRIFICES IN UZBEKISTAN //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2021. – Т. 4.
– №. 12.
21. Саипова К. Д. ДЕПОРТАЦИОННАЯ ПОЛИТИКА СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ В ГОДЫ
ВОЙНЫ //Вестник науки и образования. – 2021. – №. 13-1 (116). – С. 53-55.